



6 октябрь куни Ўзбекистон вакиллари Малайзия пойтахтида бўлиб ўтган Жаҳон халол анжуманида («World Halal Conference – WHC-2020») иштирок этдилар. Ушбу тадбир 2008 йилдан бери мунтазам равишда Малайзия Халкаро савдо ва саноат вазирлиги томонидан ўтказиб келинади ва глобал бозорларда халол маҳсулотларни таргиги килиш платформаси хисобланади. Хар йили унинг ишида бутун дунёдан мингдан ортик делегат, жумладан, Малайзия ислом ривожланиш департаменти (JAKIM) аккредитациясини олган сертификатлаш учун жавоб берадиган органларнинг вакиллари, халол маҳсулот (озик-овкат, мева-сабзавот, дори-дармон, кометика ва б.) ишлаб чиқарувчилар катнашади.

Ўзбекистонда Миллий стандартларнинг халкаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш, жумладан, халол маҳсулотларга кўйилишини таъминлаш оркали маҳсулот сифати ва ракобат бардошлигини ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни тақдим этган элчихона ходимлари хорижий бозорларга чикиш режалари хакида сўзлаб берди, деб хабар киласи Ўзбекистон мусулмонлари Бошкармаси матбуот хизмати.

Анжуман доирасида Малайзия халол саноатни ривожлантириш корпорацияси директори Хайрол Ариффеин билан Малайзия томони кўмагида, жумладан, Тошкентда «Centre of Halal Industry Excellence» халол саноат илгор тажрибаси Марказининг очилиши оркали Ўзбекистонда тегишли сертификатлаштиришни ривожлантиришни мухокама килиш бўйича музокаралар бўлиб ўтди.

WHC-2020 да иштирок этиш натижасида «Ўзстандарт» агентлиги раҳбарияти билан JAKIM ўртасида видеоконференция оркали Ўзбекистонда халол саноатини жорий этиш ва ривожлантиришни мухокама килиш, шунингдек, ноябрь ойида Агентлик ходимлари учун ўкув вебинар ўтказиш бўйича келишувга эришилди.